**Ушбу сонда:**
2 МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯ мустақиллик йилларида
3 ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР
4 *Ахлоқ-одоб мавзуида* ОБРЎНИ БЕРИБ ҚЎЛДАН...

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 23 январ, чоршанба № 14 (1231)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ХОЛИСЛИК, ОШКОРАЛИК ТАЪМИНЛАНДИ

Мамлакатимиз ҳаётида жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик тадбир - икки палатали парламентни шакллантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш бўйича референдумга тайёргарлик қизғин давом этмоқда.

Шу муносабат билан Республика байналмилал маданият марказида Тошкент шаҳридаги миллий маданий марказлар фаоллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда референдумни уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ этиш ҳақида сўз юритилди. Овоз бериш чоғида холислик, ошкоралик ва қонунийликни таъминлаш муҳимлигига эътибор қаратилди. Зеро, референдум миллий давлатчилигимиз равнақи, жамиятимизда демократик тамойилларни янада мустаҳкамлаш йўлида алоҳида аҳамият касб этади.

**(ЎзА).**

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 январ куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари меҳмон билан Тошкентда яна учрашиб турганидан мамнуният билдирар экан, бу биринчи галда Афғонистонда амалга оширилаётган аксилтеррор операцияси туфайли минтақадаги вазият ўзгариб бораётгани ва ўз навбатида мазкур жараённи баҳолаш ҳамда янгидан маслаҳатлашиш учун тез-тез учрашишни тақозо этаётганидан келиб чиқишини таъкидлади.

- Турли тахмин ва баҳолашларга қарамай, аксилтеррор операциясининг биринчи босқичи муваффақиятли якун топмоқда. Олдга қўйилган мақсадларга эришилмоқда, - деди Ислом Каримов учрашувда.

Т.Франкс мамлакатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, АҚШ томони Ўзбекистоннинг Афғонистондаги аксилтеррор операциясини қўллаб-қувватлаганини юксак баҳолашини таъкидлади.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик, терроризмга қарши кураш ҳамда ўзаро ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Суратда: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# 2002 ЙИЛ 27 январ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Қадрли ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига биноан 27 январ - якшанба куни мамлакатимизда қуйидаги икки масала бўйича умумхалқ референдуми ўтказилади:

Биринчи масала: Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

Иккинчи масала: Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?

Референдумга қўйиладиган иккала савол ҳам битта овоз бериш бюллетенига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда иштирок этиши ихтиёрий ва эркин бўлиб, ўз ҳоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Овоз бериш муддати соат олтида бошланади ва соат йигирмада тугайди.

Овоз бериш биносига келгач, фуқаро участка комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан сўнг унга овоз бериш бюллетени берилади.

Бирор бир сабаб билан фамилияси рўйхатга кирмай қолган фуқаролар шахсини ҳамда турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритилади.

Бюллетенни олгач, фуқаро яширин овоз бериш хонасига киради. Бюллетенда уни тўлдиришнинг тартиби тўғрисида тушунтириш ёзиб қўйилган. Фуқаро референдумга киритилган масалани маъқулласа, бюллетендаги таъриф матнини ўчирмайди, аксинча қарши овоз берадиган бўлса, таъриф матнини ўчиради.

Шундан сўнг фуқаро овоз бериш хонасидан чиқиб, бюллетенни овоз бериш қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган овоз бериш бюллетени фуқаронинг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин.

Овоз бериш куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган фуқаро ўз турар жойидаги референдум ўтказувчи участка комиссиясидан ҳисобдан чиқиш гувоҳномасини талаб қилиб олиши мумкин, бу гувоҳнома уни референдум ўтказувчи бошқа ҳар қандай участкада овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритишлари учун асос бўлади.

Референдум тўғрисидаги Қонунда бюллетенни мустақил равишда тўлдиролмайдиган, касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериладиган бинога келолмайдиган фуқароларнинг ҳам овоз беришда иштирок этишини таъминлаш чоралари белгилаб қўйилган. Фуқаролар референдумда қатнашиши билан боғлиқ шу сингари ҳамда бошқа масалалар бўйича турар жойлардаги участка комиссияларига мурожаат этишлари мумкин.

**Муҳтарам юртдошлар!**

**Ўзбекистон Республикаси референдуми фуқароларнинг ўз ҳоҳиш-иродасини бевосита ифода этиши воситаси бўлиб, ҳар биримиздан юксак масъулият билан ёндошишни талаб этади. Референдумда фаол қатнашиб, ўзимизнинг фуқаролик бурчимизни адо этайлик.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

Хоразм вилояти қишлоқлари аҳолисига алоқа хизмати кўрсатиш яхшиланиб бормоқда. Эндиликда истеъмолчилар ўз хонадонларидан туриб, мамлакатнинг хоҳлаган ҳудуди билан гаплашишлари мумкин.

Воҳанинг почта-алоқа ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури тўғрисида»ги Қарорини амалга ошира бориб, муайян ютуқларга эришмоқдалар.

## ҚИШЛОҚДА РАҚАМЛИ АТСлар

Вилоят телекоммуникация тизимини ривожлантириш мақсадида хориж сармоялари кенг жорий этилаяпти. Япония давлати билан ҳамкорликда 61 минг нуқтага эга 5 та 1100 А ва 12 та DTS русумли шаҳарлараро телефон станциялари ускуналанди. Янгитдан 198 километр масофага оптик толали симлар уланди.

Бундан ташқари, вилоятнинг Янгиариқ, Боғот, Янгибозор туманлари, Питнак шаҳри марказларида жойлашган автомат-телефон станцияларига АЗТСЭ русумли янги ускуналар ўрнатилди ва туман марказларида яшовчи абонентлар тўғридан-тўғри Урганч шаҳри билан боғланиш имконига эга бўлдилар.

Хорижий сармоядорлар ёрдами билан Боғот, Қўшкўпир, Гурлан, Ҳазорасп, Шовот туманлар маркази ва олис қишлоқларда телефон алоқаси анча яхшиланди.

**И.ИСОМОВ.**

*Бор бўл, оқибат!*

## ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Охунбобоев номли ширкат хўжалиги Қоракўл туманидаги йирик меҳнат жамоаларидан бири. Хўжалик бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси — Қарияларни қадрлаш йилининг дастлабки ойини ёдда қоларли тарзда бошлади. Ўтказилган хайрия тадбири нафақат қариялар, балки қишки таътилдан қайтган мактаб ўқувчиларию уларнинг меҳрибон устозларини ҳам ғоятда хурсанд этди.

Ўзаро келишувга мувофиқ хўжалик ҳудудида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакилларига, кексалик гаштини сураётган фахрийларга ош тортилиб, 100 дан ортиқ оилага совға-саломлар улашилди. Қарамоғида ногирон боласи бор 6 та оила ҳолидан хабар олинди.

Энг сара совға мактаб ўқувчилари учун ажратилди. Хусусан, 10-,36-,39-мактабларнинг ўқувчиларига 138 минг сўмлик ўқув қуроллари тарқатилди.

**Н. УСМОНАЛИЕВ.**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ
БЮЛЛЕТЕНИ
БЮЛЛЕТЕНЬ
ДЛЯ ГОЛОСОВАНИЯ
НА РЕФЕРЕНДУМЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

676

2002 йил 27январь — 27января 2002 года

ТОШКЕНТ ШАҲАР РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГИ

1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

Согласны ли Вы с избранием в следующем созыве двухпалатного парламента Республики Узбекистан?

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?

Согласны ли Вы с изменением конституционного срока полномочий Президента Республики Узбекистан с пятилетнего на семилетний?

*Ёқлаб овоз берилганда саволнинг матни ўчирилмайди.*
*Қарши овоз берилганда саволнинг матни ўчирилади.*

*При голосовании "за" текст вопроса не зачеркивается.*
*При голововании "против" текст вопроса зачеркивается.*

*Изоҳ:* Тошкент шаҳар референдум округи бюллетени намуна сифатида берилмоқда .

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II боби 9-моддасида: «Жамиятда давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади», деб ёзилган. Демак, референдум — халқ хоҳиш-иродасининг олий эътирофи бўлиб, демократиянинг энг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади.***

## УМУМХАЛҚ МАСЛАҲАТИ

# ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛИМИЗ РАВНАҚИ УЧУН

Тарихга назар ташласак, референдумнинг илк бор Оврупода Швейцариянинг Берн кантонида 1439 йилда ўтказилганини кўрамиз. Кейинчалик у ривожланган, тараққий этиб бораётган мамлакатлар ҳаётида кўп бора қўлланилган. Бизнинг Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан кейингина мана шундай тадбирни мустақил ўтказиш имкониятини қўлга киритди. Масалага чуқурроқ ёндашсак, шахс ва давлат, халқ ва миллат муносабатлари борасида кўплаб ноҳақликлар юз бергани яққол аён бўлади. Чунки, собиқ шўро даврида жисмоний таъқиб, ички ва ташқи адолатсизлик, маънавий қатағон муттасил давом этиб турди. Бундай жараён одамлар қалбини, иродасини, эътиқодини занжирлаб, руҳини тушовлаб келди.

Истиқлолимиз шарофати туфайлигина референдумларни ҳам мустақил ўтказиш имкониятига эга бўлинди.Жумладан, мустақиллигимизнинг 10 йиллиги даврида мамлакатимизда икки бор (1991 ва 1995 йилларда) референдум бўлиб ўтди. 2001 йилнинг 6 декабрида — иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида эса 2002 йилнинг 27 январ куни Ўзбекистон Республикасида навбатдаги референдумни ўтказиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилинди.

Ўзимиз шоҳиди бўлаётганимиздек, ташаббускор гуруҳлар томонидан референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан юқори даражада олиб бориш, референдумга доир барча материаллар ва жами ахборотларни аҳоли эътиборига етказиш, фуқаролар ўз хоҳиш-иродаларини бемалол билдиришлари учун шарт-шароитлар яратиш, бу тадбир жараёнида ошкоралик, очиқлик ва қонунийликни таъминлаш билан боғлиқ ишлар фаол олиб борилди.

Масалан, пойтахтимиздаги барча туманларда, ҳамма маҳаллаларда айнан шундай йўл тутилди. Учрашувларда референдумда иштирок этадиган барча фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоблар олдилар ва олмоқдалар.

Бундай мулоқотлар республикамизнинг бошқа вилоятлари, шаҳарлари, туманлари, қишлоқлари, маҳаллаларида ҳам кўтаринки руҳда кечаётганлигини қуйидаги ҳолатлардан ҳам билиб олсак бўлади.

— Мен Корақалпоғистоннинг Кегейли туманидаги «Кегейли» фермер-деҳқон хўжалиги кадрлар бўлими мудирасиман, — деди таҳририятимизга ташриф буюрган муштарий Жузумгул Қораболаева, — бизнинг овулда 640 дан зиёд оила истиқомат қилади. Референдумда қатнашиш ёшидаги меҳнаткашлар ва ёшларимиз мамлакатимиз ҳаётидаги бу ўта муҳим сиёсий тадбир ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлдилар. Бу борада ишчи гуруҳ раҳбари, туман ҳокими Қўчқорбой Давлатбоев, овул фуқаролар йиғини раиси Абатниёз Бойниёзов, хўжалигимиз раиси Бердибой Саманов ҳамда бошқа фаолларимиз катта саъй-ҳаракат кўрсатдилар.

— Бизнинг одамларимиз Қибрай тумани Яланғоч қишлоғидаги 4-мактабда жойлашган участкада овоз берадилар. У Тошкент вилоятидаги 825 та участканинг биридир, — деди учаска раиси муовини, маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раисаси Марғуба Муҳиддинова, — ҳамқишлоқларимизга референдум, икки палатали тизим мазмун-моҳиятини етказишда фуқаролар йиғини раисаси Озода Шукурова касаба уюшма қўмиталари фаолларини жалб қилиб, яхши натижага эришди. Ҳозир кимдан сўраманг, референдум бюллетенларига киритилган саволларга ҳар томонлама малакали жавоб бериши мумкин.

Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидан Маъруфжон Ғофуровнинг фикр-мулоҳазалари ҳам кишини беихтиёр ўзига тортади.

— Туманимиз аҳли референдумни пухта тараддуд билан кутиб олмоқда, — деди у. — Буни бизнинг Журак қишлоғида амалга оширилган ишлардан ҳам кўрса бўлади. 10 мингга яқин ҳамқишлоқларимиз истиқлолимиз ва истиқболимиз равнақи учун овоз беришда фаол иштирок этадилар. Тушунтириш ишларини намунали олиб борган фуқаролар йиғини раиси Ҳайитали Раҳимов, механизациялашган кўчма жамлама бошлиғи Неъматжон Дадажонов, мактаб директори Рустам Валихонов, касаба қўмитаси фаоли Муртазохон Йўлчиевдан бугун ҳамма мамнун бўлмоқда.

Энди референдум арафасида таҳририятимизга келган айрим мактублар мазмуни билан танишайлик. Уларда фуқароларимизнинг ушбу сиёсий тадбирга муносабатлари ёрқин ифодасини топган.

Мана, Шовот тумани, «Гулистон» жамоа хўжалигида яшовчи Раҳимбой Матюсупов хатидан мисралар: «Ўзбекистонимиз мустақил давлат сифатида тобора ривожланиб бормоқда, демократик тамойиллар чуқурроқ илдиз отмоқда. Бу галги референдумни жамиятимизнинг тадрижий ривожи самараси сифатида баҳоламоқ лозим. Ўзим, рафиқам Онажон, уч қиз, уч ўғлим икки палатали парламент тизими — вакиллик органи, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мукаммал шаклига айланишига ишонамиз».

Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани «Чиял» жамоа хўжалиги Оқтўнли қишлоғида истиқомат қилувчи Гўзал Нурмуҳамедова шундай ёзади: «Мен 1983 йилда туғилганман. оиламиздаги 10 фарзанднинг бешинчисиман. Акмал деган йигит билан севишиб, турмуш қурдик. Тўйимиз мустақиллигимиз ўн йиллиги тантаналарига уланиб кетди. Мен яхши оила қуриш, оқилона фарзандлар ўстириш, ўз меҳнатимиз билан фароғатда яшаш орзусидаман. Истиқлолимиз ва истиқболимиз мен каби оддий кишиларга ана шундай имкониятлар беришига ишонаман. Референдум худди шу улуғ мақсадларга хизмат қилади».

Референдумга қўйилган иккинчи саволда: «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?» дейилган, деб мушоҳада юритади ўз хатида Уйчи тумани, Қизилравот қишлоғидаги «Равшанбек» фермер хўжалиги раҳбари Тоҳиржон Алиматов, — маълумки, кўплаб ривожланган давлатларда президентлик ваколати муддати беш йилдан зиёд қилиб белгиланган. Хусусан, Италия, Ирландия, Исроил, Туркия, Сурия, Яман, Қозоғистон, Тожикистон сингари мамлакатларда президентнинг ваколат муддати етти йилдир. Бундан муддао давлат бошлиғининг мувофиқлаштирувчилик саъй-ҳаракатларини янада юқори даражага кўтаришдир. Зотан у президент сифатида ҳокимият барча тармоқларининг ҳамкорликда ишлашини таъминлайди, турли жабҳалар ўртасидаги баъзи номутаносибликларни бартараф этади, ўз олдига қўйган энг юксак мақсад ва вазифаларини тўлалигича ва охиригача етказиш имкониятларига эга бўлади. Умуман ўта муҳим жараёнлар ҳаёт тақозосидир».

Шу тариқа бугунга келиб мамлакатимиздаги округлар ва участкалар фуқароларнинг овоз беришлари учун шай. Референдум жараёнини кузатиш учун қирққа яқин давлатдан 150 нафарга яқин хорижлик кузатувчилар келишди. Ватандошларимиз эса бир тану бир жон бўлиб, бўлажак референдумда фаол иштирок этиш ниятида яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Зеро, улар референдум Ўзбекистон миллий давлатчилик институтларининг янада такомиллашувида ғоят муҳим рол ўйнашини яхши биладилар. Чунки, давр ва мамлакат олдида турган вазифаларнинг мураккаблиги конституциявий принципларни ва меъёрларни янада чуқурроқ англашни, уларга ижодий тарзда ёндошишни тақозо қилмоқда.

**Раҳимберди УМАРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

*Фахр*

**Ўтган давр «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси учун катта синов, ҳам юксалиш йиллари бўлди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланди. Айни пайтда авиакомпаниямиз Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Бунинг асосий сабаби А—310, Боинг, PJ—85 каби замонавий ҳаво лайнерлари сотиб олинганлигидадир.**

# МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯ

## мустақиллик йилларида

Эндиликда йўловчилар Тошкентдан Нью-Йорк, Париж, Амстердам, Франкфурт, Афина, Истамбул, Бангкок, Сеул ҳамда Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги бир қатор шаҳарларга қулай ҳамда шинам самолётларда етказиб қўйилмоқда. Яқин йилларда миллий авиакомпания яна 3 та «Боинг—737» русумли самолёт сотиб олишни режалаштирган. Яна шуниси ҳам қувончлики, республикамиз пойтахтида ишлаб чиқарилган Ил—114 русумли самолёт ҳам муваффақиятли парвоз қилмоқда. Авиакомпаниямиз «Сита», «Габриэль» ҳамда «Интернет» каби халқаро ташкилотларга аъзо. Шунингдек, юздан зиёд ташкилот билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортлари эса халқаро мақомни олган бўлиб, айни пайтда ҳар қандай русумдаги самолётларни қабул қилиб олиш имкониятига эгадир.

Бизнинг тармоқ янги самолётларни сотиб олиш ҳисобигагина эмас, балки мавжуд иншоотларни қайта таъмирлаш ҳисобига ҳам кенгайиб бормоқда. Чунончи, Япониядан олинган кредит ҳисобига Самарқанд, Бухоро, Урганч аэровокзаллари ҳамда учиш-қўниш йўлаклари сифатли таъмирдан чиқарилди. Шуни ҳам қайд этиш керакки, мустақиллик йилларида авиация инфратузилмасини ривожлантириш учун республикамизга 1 миллиард 150 миллион долларлик сармоя олиб кирилди.

Учиш хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай авиакомпания учун энг асосий ва бирламчи масаладир. Табиийки, бу ишда ёш, ташаббускор кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Айни вақтда кўплаб ёшларимиз Россия ҳамда Украина мамлакатларининг олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Республикамизда ягона бўлган Тошкент авиация институтида ҳам кўплаб инженер-механиклар, иқтисодчилар тайёрланаётир. Авиация ҳамда радиотехника коллежларида эса авиатехниклар, кичик мутахассислар етишиб чиқяпти. Ўқув-техник маркази эса турли русумдаги самолёт ҳамда вертолётлар тренажёрлари билан жиҳозланган. Бу ерда малакали мутахассислар ўз билимларини ёшларга ўргатмоқдалар.

Дарвоқе, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг авиация хавфсизлиги миллий дастури тасдиқланган. Мазкур муҳим ҳужжат барча ишчи-хизматчиларимиз учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида қайд этиб ўтилган муваффақиятларда республика авиаходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг ҳам улуши салмоқли, албатта. Марказий қўмита томонидан тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг ўзларини ҳамда оила аъзоларини соғломлаштириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаётир. Бу борада тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасининг II Қурултойида қабул қилинган ҳаракат дастури ютуқлар омили бўлмоқда.

Маълумки, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялашда тармоқ Битимлари, жамоа шартномаларининг аҳамияти катта. Шундан келиб чиққан ҳолда Марказий қўмита ҳамда унинг раёсати муҳим ҳужжатларни тузиш, уларнинг ижросини назорат этишга катта аҳамият қаратяпти.

Айни пайтда ташаббусга кенг ўрин берилган. Биз меҳнат муҳофазаси, авиация ходимларини махсус кийим-бошлар билан таъминлаш, меҳнат ҳамда технологик интизомни мустаҳкамлаш, ҳар бир ходимда ўзига топширилган иш учун масъулият ҳиссини ошириш, меҳнаткашлар соғлиғи учун зарарли бўлган иш жараёнларини механизациялаш каби масалалар кун тартибидан тушмаётир.

Марказий қўмита «Гидрометхизмат» ҳамда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Авиаспорт клубларини бирлаштирган. Таркибимизда 32 бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатяпти.

Биз улар фаолиятини тубдан яхшилашга ҳаракат қиляпмиз. Агар бошланғич ташкилот ўз муаммолари атрофида ўралашиб қолиб, республикамиз ҳамда дунё касаба уюшмаларидаги янгиликлардан бехабар қолса кўп нарсани йўқотиши мумкин. Шу боис халқаро муносабатларни яхшилашга эътиборни кучайтирганмиз. Украина, Россия, Қозоғистон, Озарбайжон каби мамлакатлар касаба уюшмалари билан яхши алоқа ўрнатганмиз. 1998 йили эса тармоқ касаба уюшмаларимиз халқаро транспорт ходимлари Федерациясига аъзо бўлиб кирди. Мазкур ташкилот айни пайтда 100 дан зиёд транспорт ходимлари касаба уюшмаларини бирлаштирган. Зеро, 1998 йилнинг декабрида Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган Конгрессда иштирок этганимиз ҳам жуда фойдали бўлди.

Шубҳа йўқки, бизнинг тармоқ касаба уюшмалари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбарияти билан ҳамкорликда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги иш фаолиятларини бундан буён ҳам такомиллаштириб бораверади.

**Сатторали ҚАМБАРОВ,**
**Республика авиация ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси.**




Фарғона тўқимачилик ҳиссадорлик жамиятининг биринчи ип-йигирув тўқув фабрикаси жамоаси сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Уларга барча қулайликлар яратилган. Шунингдек, техник улов ҳам мунтазам қатнаб турибди. Шуниси эътиборлики, бу ерда ишчилар сафини янада кенгайтиришга ҳаракат қилиняпти.

Фабрикада асосан маҳаллий хомашё — пахтадан сифатли хом ип ва газламалар ишлаб чиқарилаётир. Ўтган йили 2503 тонна хом ип ва 12 миллион 569 минг метр хом газламалар тайёрланди. Йиллик режа 102 фоизни ташкил этди.

***Суратда: илғор ишчилар Ш.Усмонова ва Ш.Акбарова.***

**М.ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

## ХОРИЖ БУЮРТМАСИ

**Фарғона шаҳрида қўшма корхона иш бошлаганига ҳам тўрт ойдан ошди. Ҳозиргача 1 миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 700 минг АҚШ долларига тенг қисми экспорт қилинди.**

Корхонада 1700 нафардан зиёд ишчи-хизматчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксариятини маҳаллий йигит-қизлар ташкил этади. Пахта толасини саваш, тароқлаш, пишитиш, йигириш, калавалаш цехларида меҳнат қилаётган Фаридахон Умарова, Хумарохон Ҳожиева, Диломхон Ўринбоева сингари ишлаб чиқариш илғорларига ҳамма ҳавас билан қарайди. Бу қизлар барча касбдош дугоналари қатори Япония, Германия, Швейцария каби ривожланган мамлакатлар дастгоҳларини аниқ ва пухта бошқаришяпти. Топшириқларни сифатли бажариб, ҳар ойда 30-35 минг сўмдан маош олишяпти.

Аҳил жамоа янги йилни улкан режалар билан бошлади. 2002 йилда корхонанинг иккинчи навбати ҳам қурилиб ишга туширилади. Йигирув-тўқув жараёни уйғунлашиб корхонада ишловчилар сони 2500 нафардан ортади. Бу — 800 нафар ёш янги иш ўринларига эга бўлади, демакдир.

**А.ТЎХТАСИНОВ.**

*Умид ижобат бўлса*

**Сирдарё вилояти касаба уюшмалари Кенгашига ўтган йили 578 нафар фуқаро ёзма ва оғзаки равишда мурожаат этган эди. Улардан 80 таси меҳнат қонунлари бузилганлиги, 141 таси иш ҳақининг ўз вақтида берилмагани хусусида бўлса, 109 таси сиҳатгоҳ ва оромгоҳларга йўлланма олиш, 25 нафари моддий ёрдам ва қолган 223 таси ижтимоий ҳимояга оид масалалар юзасидан эди.**

# КЕНГАШ ҚАБУЛИДА БИР КУН

Кенгаш қабулхонасига ўрта ёшли аёл кириб келиб, котибага юзланди.

— Қизим, раисда ишим бор эди, илтимос, қабул қилсалар, айтсангиз.

— Марҳамат, қаердан келдингиз ва қандай масала билан, - дея мулойим жилмайди котиба.

— Мен Дилбар Абдулфайзиева Боёвут туманидаги Деҳқонобод ширкатлар уюшмасидаги 7-мактабда фаррош бўлиб ишлайман. 4 нафар фарзандим бор. Келишимдан мақсад 2001 йил фойдаланилган газ учун халқ таълими бўлими томонидан пул ўтказилмаётганини айтиш эди. Газлаштириш идораси ходимлари эса ҳар куни келиб, «газларингизни ўчириб қўямиз», дейишмоқда.

Орадан чамаси беш дақиқа ўтгач, у хонага таклиф этилди.

Кенгаш раиси муовини, вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Қаршибой Эшназаров арзни охиригача эшитгач:

— Сиз бемалол ишингизга бораверинг, бир ҳафта ичида муаммонгизни ҳал қилиб берамиз,— деди ва аёлни эшиккача кузатиб қўйди. Сўнг телефонда Боёвут тумани халқ таълими бўлимига қўнғироқ қилиб, зудлик билан масалага ойдинлик киритиш кераклигини уқтирди.

Иккинчи бўлиб қабулга келган Сирдарё тумани Синдоробод ширкатлар уюшмаси фермери Абдураҳмон Исаев эса ўз дардини қуйидагича изоҳлади.

— Йил бўйи меҳнат қилиб, топшириқларни ошириб бажардик. Қишки юмушлар ҳам маромида кетяпти. Туман касаба уюшма қўмитасига бориб, «Чинобод»да даволансам, соғлиғимни тикламоқчийдим, деб мурожаат этсам, «Биз ҳали йўлланма олганимиз йўқ», дейишди. — Шунинг учун сизнинг ҳузурингизга келдим. Ёрдам берсалари̇нгиз.

Навбатдаги қўнғироқ вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига қилинди. Бир ҳафта ичида деҳқон-фермерни «Чинобод» сиҳатгоҳига йўлланма билан таъминлаш зарурлиги сўралди.

Фермер қабулдан мамнун ҳолда чиқиб кетди.

Қабулхонада навбат кутиб ўтирганлар билан суҳбатлашамиз.

— Мен, Янгиер туманиданман, касбим ҳайдовчи. Иш ҳақимни 4 ойдан буён ололмаяпман, - деди Маъмурқул Бозоров.

— Сайхунободдан келдим, - деди фаррош Гулсара Умарова. — Меҳнат таътили тугаган бўлишига қарамай ҳанузгача пулимни ололмадим.

Бироз вақт ўтгач, улар ҳам мушкуллари осон бўлганидан миннатдорчилик изҳор қилишди. Сўнгра биз Кенгаш раиси муовини Қ.Эшназаров билан мулоқотда бўлдик.

— 80-85 фоиз шикоят хатларни ўз вақтида ҳал этяпмиз, — деди у. — Қолганлари молиявий масалалар билан боғлиқ бўлгани учун бир мунча кейинроқ бўлса ҳам ўз ечимини топмоқда. Ҳар бир масала ниҳоясига етгунича қатъий назоратда бўлади.

— Сизнинг қабул кунларингиз сешанба ва шанба экан. Бугун эса чоршанба, яъни сизнинг қабул кунингиз эмас.

— Биласизми, баъзи туманларимиз вилоят марказидан анча олисда. Айниқса, Боёвут, Сайхунобод, Оқолтин, Ш.Рашидов, Ховос каби туманларнинг хўжаликларидан меҳнаткашларнинг келиб-кетиши анча қийин. Умуман мақсадимиз фуқароларнинг мушкулини осон этиш бўлганидан кейин бундай расмиятчиликка ўрин йўқ, деб ўйлайман.

— Касаба уюшма ташкилотига алоқадор бўлмаган мурожаатлар ҳам борми, уларга қандай муносабатда бўласиз?

— Ҳа, кам бўлса-да, бошқа соҳага даҳлдор мурожаатлар ҳам учраб туради. Масалан, ижтимоий таъминот, пенсия жамғармаси, солиқ инспекцияларига оид турли саволлар билан ҳам келишади. Шундай пайтда ҳам имкони борича тегишли ташкилотлар билан боғланиб уларга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳа, вилоят Кенгаши қабулхонаси доимо фуқаролар билан гавжум. Келганларнинг барчаси муаммоларини тез ҳал этилганидан хурсанд бўлиб қайтишмоқда.

**Ортиқ САИДОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Саховат*

## ТАДБИРКОР МАКТАБ ҚУРЯПТИ

**Ёзёвон туманидаги "Келажак" хусусий фирмасининг раҳбари Маҳмуд ҳожи Матқосимов Тошҳовуз қишлоғида 240 ўринли мактаб қуряпти.**

- Мактаб биносини савоб учун қураяпман, - деди Маҳмуд Матқосимов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Ҳозирда 100 миллион сўм маблағ сарфладик. Барча синфхоналарни компьютерлаштирган ҳолда мактабни келгуси ўқув йилига ишга туширамиз.

Банкдан кредит олмасдан шунча ишни бажараётган тадбиркорнинг пахтани қайта ишлаш ва нотўқима материал тайёрлаш цехлари, чорвачилик фермаси, қурилиш фирмаси, 10 дона қишлоқ хўжалиги техникалари, 4 та "КамАЗ" русумли юк автомашиналари ва яна шунча енгил автомашиналари мавжуд. Шунингдек, у 100 гектар ерни ижарага олган.

- Буларнинг ҳаммасини менга мустақиллик берди, - дейди М.Матқосимов. - Ўн йил илгари оддийгина ғишт терувчи эдим. Меҳнат, изланиш туфайли ўз йўлимни топдим. Тадбиркорлик билан шуғулланиб кўпгина хорижий давлатларда бўлдим. Тажриба ўргандим.

Маҳмуджон ҳимматли йигит. Ёзёвон туманидаги 2-мактабнинг беш юзга яқин ўқувчиларига дарсликлар олиб берди. "Гулбаҳор" номли болалар боғчаси ҳам тадбиркор ҳомийлигида. Кўплаб кам даромадли оилаларга ҳам моддий кўмак бераяпти.

Фирманинг икки юзга яқин ишчиси ўртача ўттиз минг сўмдан иш ҳақи олади. Маҳмуджоннинг саккиз нафар ака-укаси ҳам фирмада ишлайди. Тиниб-тинчимас тадбиркор яқинда Украинадан 80 минг АҚШ долларига нотўқимачилик цехи учун замонавий дастгоҳлар олиб келди. У келгусида ип йигирувчи қўшма корхона очиш ниятида.

*Ижтимоий ҳимоя*

**Бухорода 2001 йилни қониқиш ҳисси билан якунлаган жамоалар орасида «Бухороғишт» ҳиссадорлик жамияти ҳам бор. Йил бошида бошланган меҳнат кўтаринкилиги бир лаҳза бўлса-да сусайгани йўқ. Сифат кўрсаткичидаги силжишлар буюртмачилар, мижозлар сонини янада оширди.**

# ЮҚОРИ МАОШ

## ИШ СИФАТИ ВА СУРЪАТИНИ ТАЪМИНЛАЁТИР

Ўтган йилнинг ўзидаёқ вилоят харитасидан жой олган ўнлаб янги иншоотлар айни шу жамоада ишлаб чиқарилган қурилиш ашёлари эвазига қад ростлади. Улар орасида Жондор, Олот, Пешку, Бухоро туманлари марказидаги касб-ҳунар коллежлари каби йирик мажмуалар бор.

Жамоа «Универсиада-2002»нинг асосий мусобақалари ўтказиладиган «Бухоро» марказий ўйингоҳининг мукаммал таъмирланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шу кунгача бу иншоотга 3 миллион донадан кўпроқ пишиқ ғишт етказиб берилди. Айни пайтда Қоровулбозор ҳамда Қоракўл туманларида бунёд этилаётган коллежлар учун ҳам маҳсулотлар пешма-пеш юборилмоқда.

— Даромадимиз ошган сайин ижтимоий ҳимоя учун кўпроқ маблағ ажратмоқдамиз. Ўтган йили ана шу мақсад учун 10 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди, - дейди жамият раиси Рустам Қаҳҳоров.

Ҳиссадорлик жамиятида 348 киши меҳнат қилади. Уларнинг унумли ва баракали ишлашлари учун етарли шароит яратилган. Ҳар бир ишчи махсус кийим-бош билан таъминланган.

Шунингдек, корхона ҳудудида жойлашган савдо дўконларида ишчи-хизматчилар хоҳлаган маҳсулотларини арзонлаштирилган нархда харид қилиш имконига эгалар. Шу ернинг ўзида мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари билан савдо қилувчи шоҳобчалар ҳам ишлаб турибди.

— 57 банддан иборат жамоа шартномасида йил бўйи корхона маъмурияти томонидан амалга оширилиши зарур бўлган ишлар аниқ ва лўнда қилиб белгилаб берилган. Биз унинг ижросини мунтазам равишда назорат қилиб борамиз. Шу боисдан ҳам белгиланган тадбирларнинг амалга ошиши тўла-тўкис таъминланаётир, - дейди корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Иван Корнев. — Моддий ёрдам, мукофот пули, овқат учун қўшимча, жами 45-50 минг сўмлик ҳақ олаётган ишчи юқори унум билан ишлашга ҳаракат қилади-да. Ахир, кўп нарса моддий ва маънавий манфаатдорликка боғлиқ эканлиги табиий-ку.

Сафар Ҳамроев, Саид Қурбонов, Рамазон Бозоров, Маҳмуд Акрамов сингари малакали мутахассис ва цех бошлиқлари, Низом Ҳасанов, Руқия Бердиева, Араш Муродов каби илғор ишчиларнинг баракали меҳнатлари туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари ошиб бормоқда. Кўплаб рационализаторлик таклифларидан самарали фойдаланиш, янги технологияларнинг жорий этилиши маҳсулот сифатини янада яхшилаш имконини бераётир.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Услубий ёрдам*

# КАСАБА УЮШМА НУФУЗИ

Яқинда Урганч шаҳар деҳқончилик мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Шариф Бойжонов ва қўмита маслаҳатчиси Рашид Рўзметовларнинг бошланғич касаба уюшма қўмиталари учун «117 саволга жавоб» — услубий қўлланмаси билан танишдим. Унда корхона, ташкилот, муассаса ўқув юртлари жамоаларида бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаолиятини ташкил қилиш, иш, ўқиш, дам олиш борасидаги ҳуқуқ ва имтиёзлар, ҳужжатларни юритиш юзасидан керакли маълумотлар берилган.

Қўлланма вилоятдаги барча бошланғич ташкилотлар ишини юритишда яқин кўмакдош бўлаяпти. Китобчадан касаба уюшмаларининг мақсади ва қандай тамойиллар асосида тузилиши, раҳбарлик органлари, бошланғич ташкилотлар, цех ва гуруҳлар, умумий йиғилиш, конференция, қўмитанинг вазифалари, ташкилий ва оммавий ишларни уюштириш каби кўплаб саволларга жавоб топиш мумкин.

Жамоа шартномаси корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид ижтимоий, иқтисодий ва касбга доир муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир. Кенгаш томонидан «Жамоа шартномаси» қўлланмаси ҳам чоп этилди. Қўлланмада жамоа шартномалари ва келишувларнинг моҳияти Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида кафолатланган ҳуқуқлар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва муҳофаза қилиш, ишловчиларга берилган имтиёзлар, маъмуриятнинг касаба уюшма ташкилоти олдидаги мажбуриятлари, меҳнат низолари каби мавзулар очиб берилган. Бундан ташқари унга касаба уюшма ташкилотлари умумий йиғилиши кун тартиби, қарор лойиҳаси, мажлис баённини ишлаб чиқиш бўйича зарур маълумотлар киритилган.

— Қўмитамизда тажриба ўрганиш, услубий ва амалий ёрдам тўғри йўлга қўйилган, — дейди «Урганч ёғ» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма ташкилоти раиси С.Юсупов. — Ўтказилаётган семинар-кенгашларда касаба уюшмалари ишини ташкиллаштириш бўйича муҳим масалалар кўриб чиқилаётир.

Касаба уюшма фаоллари ҳуқуқ ва бурчларидан фойдаланиб, жамоа шартномасини амалга ошириш бўйича раҳбариятга қимматли таклифлар киритмоқдалар. Бошланғич ташкилотлар аралашуви билан вилоят насос станциялари ва электр тармоқлари бошқармасида ишчилар учун овқатланиш ва транспорт пуллари, махсус кийим-кечак, электр ҳимоя воситалари ва бошқа жиҳозлар учун 4 миллион 100 минг сўмлик маблағ ажратилди. Иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан ойма-ой ёрдам пули бериб борилмоқда.

«Урганч ёғ» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма ташкилотида ишловчи аёл фарзанди учун 350 минг сўмлик ногиронлик аравачаси, 124 нафар хотин-қизга 1 миллион 47 минг сўмлик мукофот, 31 нафар уруш қатнашчиси, 9 нафар байналмилалчи жангчи ва 4 нафар боқувчисини йўқотганларга 250 минг сўм пул, 200 литр ёғ берилди. Иссиқ овқат учун ишчиларга 4 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Назарий билимлар билан амалий ишларнинг муштараклиги касаба уюшма бошланғич ташкилотлари фаоллигини оширмоқда.

**И. ИСОМИДДИНОВ.**

# ИШГА ОЛИШДА СИНОВ МУДДАТИ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

**САВОЛ: Ишга қабул қилишдаги синов муддати ва унинг нима мақсадда ўрнатилиши тўғрисида тушунча берсангиз.**

**С.ҚОСИМОВА,**
**Сирдарё шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Меҳнат кодексининг 84-87-моддаларида ишга қабул қилишда дастлабки синов ўрнатилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Ишга қабул қилишдаги дастлабки синов иш берувчи ва ишга кирувчи шахснинг ўзаро келишуви асосида ўрнатилади. Агар ходим дастлабки синов шарти билан ишга қабул қилинаётган бўлса, ушбу шарт меҳнат шартномасида назарда тутилган бўлиши керак. Меҳнат шартномасида дастлабки синов кўрсатилмаган бўлса, ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган ҳисобланади.

Қонунда дастлабки синовнинг муддати уч ойгача қилиб белгиланган. Агар ходимга белгиланган уч ойдан ортиқ синов ўрнатилган бўлса, у ҳақиқий эмасдир.

Ходимга ўрнатилган синов ва унинг муддати меҳнат шартномасида ҳамда ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда кўрсатиб ўтилади. Буйруқ эса ходимга имзо чектириб таништирилади. Аммо ходимга ўрнатилган синов унинг меҳнат дафтарчасига ёзилмайди. Бошқа ишга доимий ёки вақтинча ўтказилган ходимларга синов ўрнатилмайди. Бундан ташқари, ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

Эслатиб ўтиш керакки, вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди. Масалан, ходим 1 майда 3 ойлик синов муддати билан ишга қабул қилинса-ю, 1 июндан 1 июлгача меҳнатга қобилиятсизлик варақасида бўлса, синов муддати 31 июлда эмас, 31 августда тугайди.

**ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА**

Дастлабки синов муддати даврида ходимларга фақат меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларигина эмас, балки муассасада ўрнатилган меҳнат шартлари ҳам тўлиқ татбиқ қилинади. Масалан: меҳнат интизомини бузса, унга интизомий жазо чоралари қўллаш, муассасадаги ички меҳнат тартиби қоидасига риоя қилиш ва бошқалар.

Меҳнат кодексининг амалга киритилиши, яъни 1 апрел 1996 йилга қадар амалда бўлган Ўзбекистон меҳнат қонунлари кодексида дастлабки синов шарти фақат иш берувчининг манфаатлари учун хизмат қиларди, ходимнинг топширилаётган ишга мувофиқлиги текшириб кўриларди. Амалдаги Меҳнат кодекси ходимга ушбу ишни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида ўзи бир қарорга келиш ҳуқуқини ҳам берди. Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Икки томоннинг келишувига биноан уч кун олдин огоҳлантириш муддати қисқартирилиши мумкин ва ходимга огоҳлантириш муддати давомида меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қайтариб олиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Ходимнинг ишлаб бериш нормаларини ёки ишлар ҳажмини бажармаслиги, иш сифатининг пастлиги ва бошқалар ишни уддалай олмаётганлигини кўрсатувчи далил бўлиб, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан бекор қилиниши мумкин. Бунда касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмайди ва уч кунлик огоҳлантириш муддати пуллик компенсация билан алмаштирилмайди. Меҳнат низоси келиб чиққанда, иш берувчи ходим ҳақиқатда топширилган ишни бажара олмаётганлигини исботлаб бериши керак.

Синов муддати даврида ходим ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилганда ундан бунинг сабабини тушунтириб бериш талаб қилинмайди. Унинг бурчи бу ҳақда иш берувчини уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантиришдан иборат бўлади.

Агар синов муддати тугагунга қадар иш берувчи ҳам, ходим ҳам меҳнат шартномаси тўхтатилишини ёзма равишда билдирмаса, меҳнат шартномасининг амал қилиши давом этади. Бу ҳақда ҳеч қандай қўшимча буйруқ чиқарилмайди. Меҳнат шартномасининг кейинчалик бекор қилинишига фақат умумий асосларда йўл қўйилади.





*Зангиота туманидаги «Меҳнат» хусусий корхонаси иш бошлаганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, у ерда ишлаб чиқарилаётган плёнкаларга талаб кундан-кунга ортмоқда. Ишчиларнинг иш ҳақлари ойига 25-30 минг сўмни ташкил этмоқда.*

**Суратларда: (ўнгда) корхона раҳбари Абдулла Матмусаев плёнка сифатини кўздан кечирмоқда; ишчи Р.Махопашин.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

*Ибрат*

# СТАЖГА ҚАРАБ ҚЎШИМЧА ПУЛЛИ ТАЪТИЛ

***Мамлакатимиз «Пахтасаноатсотиш» тизимида ҳиссадорлик жамиятимизнинг ҳам ўз ўрни бор. Жамият тасарруфида Бандихон туманидаги «Пахтакор» ҳамда Жаркўрғон туманидаги «Сурхон» пахта қабул қилиш пунктлари ҳам фаолият кўрсатаётир.***

Бугунгача 400 тонна момиқ, 3440 тонна тола, 4 минг тонна чигит ишлаб чиқарилди. Бунда 350 нафар ишчи-хизматчининг салмоқли улуши бор.

Жамият бошқаруви ва бошланғич касаба уюшмалари ҳамкорликда тузган жамоа шартномаси асосида ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси тобора яхшиланмоқда. Айни пайтда уларнинг ўртача ойлик маошлари 18-20 мингдан зиёд бўлиб, дивидентлар ўз вақтида тўланмоқда. Ишловчилар техника хавфсизлиги қоидаларига мос махсус кийим билан таъминланган. Кечки сменада ишловчилар бепул овқатланишса, кундузи меҳнат қилувчиларга 340 сўмдан овқат пули, зарарли цехларда ишлаётганларга эса 15 фоиз устама ҳақ ва сут маҳсулотлари берилади. Ҳар бир бригаданинг алоҳида ювиниш, дам олиш хоналари мавжуд. Илғор ва байналмилалчи ишчилардан 11 нафари газ, сув ва электр энергияси каби тўловлардан озод этилган.

Шунингдек, байрамларда уруш қатнашчиларига, фахрийларга, бола тарбияси билан банд аёлларга жамиятимиз томонидан моддий ёрдам ажратилди. Меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган ишчилар оиласи билан турли санаторий-профилакторийларда дам олиб, даволандилар. Меҳнат таътилига чиқаётганлар бир ойлик маош миқдорида ёрдам пули, меҳнат стажига қараб 3 кундан 10 кунгача қўшимча пулли таътил оляптилар.

Хуллас, ишчи-хизматчиларнинг сидқидилдан меҳнат қилишларига асосий сабаб улар жамият бошқаруви ва касаба уюшмалари томонидан мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилинганидадир, деб ҳисоблайман.

**Нодир АЛЛАМУРОДОВ.**
**«Сурхонпахта» ҳиссадорлик жамияти бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси.**

***Бухоро шаҳридан Қизилқум саҳроси бўйлаб автокарвон йўлга чиқди.***

# АВТОКАРВОН САҲРО КЕЗМОҚДА

*Бухоро вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамияти вакиллари Ғиждувон туманидаги «Кўкча», Пешку туманидаги «Жонгелди» ҳамда Ромитон туманининг «Қизилравот» қоракўлчилик хўжаликларида меҳнат қилаётган чўпонлар ҳузурида бўлди. Улар чўпон оилаларига бепул кийим-кечак, ун, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди, уларни тиббий кўрикдан ўтказди. Қишлоқ врачлик пунктларига бепул дори-дармон берилди.*

*Ушбу хўжаликлар вилоят марказидан 250-300 чақирим узоқда - Қизилқум бағрида жойлашган. Чўпон-чўлиқлар ёзнинг жазирама иссиғида ҳам, қишнинг қаҳратон совуғида ҳам ўн минглаб қўй-қўзи боқиб, чорвачиликни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.*

**(ЎзА).**

*Қонун барча учун баробар*

# ҒИРРОМЛИК

Косон туманидаги «Тошниёз бобо» хусусий дўкони мудири Бойбўри Йўлдошев куппа-кундузи харидорлар кўзини шамғалат қилиб, савдо қоидаларини қўпол равишда бузди. Ўрнатилган тартибдан хабари бўлса-да, у 1 миллион 186 минг 475 сўмлик маҳсулотларни сотиш жараёнида назорат касса машинасини ишлатмаган. Шунинг учун ҳам Б.Йўлдошевга энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида — 343 минг сўм жарима қўлланилди.

Солиқчилар савдо шохобчаларини кўздан кечирганларида 141 жойда назорат касса машинаси ўрнатилмаганлиги маълум бўлди ва 93 та юридик ташкилот 24834 минг сўм молиявий жаримага тортилди.

Қашқадарё вилояти давлат солиқ инспекцияси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол моллари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида», «Республикада тамаки ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий қилиш тўғрисида»ги қарорлари ижросини қатъий назоратга олганлар.

Солиққа оид қонун бузилишларини аниқлаш, уларга барҳам бериш, олдини олиш, солиқ тўловчиларга амалий ёрдам кўрсатиш ва маблағларни вақтида бюджетга туширишни таъминлашга қаратилган бир мунча тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларда олиб борилган текширишлар жараёнида давлат бюджетига 135 миллион сўмдан ортиқ қўшимча маблағ ундирилди.

Қаршилик якка тадбиркор Содиқ Равшанов 45 миллион 150 минг, Нишон туманидаги «Дилрабо» хусусий фирмаси 64 миллион 93 минг сўм тўловни тўламаганлиги аниқланди ва уларга тегишли чоралар кўрилди.

Нақд пул эмиссиясини қисқартириш талаблар даражасида эмас. Инспекция ходимлари 14 та ташкилотда текшириш ўтказганларида 11 миллион 301 минг сўм банкка топширилмаганлиги маълум бўлди.

Республика Президентининг халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни тартибга солиш бўйича чиқарган Фармони ва ҳукумат қарорларининг 1593 корхона ва ташкилотда бажарилиши ўрганилганда 252 ҳолатда 5109 миллион сўмлик дебиторлик қарзларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Айрим ташкилот раҳбарлари ҳотамтойлик қилиб олдиндан 15 фоизлик тўловларни олмасдан маҳсулотларни жўнатганлар. Шунинг учун ҳам бундай масъулиятсиз раҳбар ва бош ҳисобчиларга маъмурий жарималар қўлланилди. 22 мансабдор шахснинг қонунсиз фаолияти кўриб чиқиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ихтиёрига юборилди.

— Қонунсиз ишлар албатта фош этилади, — деди биз билан суҳбатда Косон давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Бурҳонов. — Текширишларда 176,8 минг сўмлик тамаки маҳсулоти, 77,2 минг сўмлик спиртли ичимликлар акциз маркасиз сотилаётганда давлат фойдасига мусодара қилинди.

Мамлакатимиз Солиқ кодекси талабларига қатъий амал қилиш ҳар бир савдо ходими ва тадбиркорнинг муҳим вазифасидир. Ана шундагина бюджет даромади кўпайиб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги янада яхшиланади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Тадбиркорлик*

***Ҳозирги кунда ҳар бир фуқаро ўз имкониятларидан фойдаланиб, ишбилармонлик хусусиятларини ишга солмоқда. Мен ҳам қизим Замира Дадабоева билан маслаҳатлашиб, банк берган кредит ҳисобидан эски бир иморатни қайта таъмирладик. Тикув машиналари сотиб олиб, хомашё заҳирасини яратдик. Тез кунда 12 нафар тикувчи ўз маҳоратларини намойиш эта бошлади.***

# АРЗОН ХОМАШЁГА АРЗОН МАҲСУЛОТ

Муваффақиятларга эришишимизнинг асосий омили якка буюртмачиларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишдир. Дастлаб ишни аёллар кўйлаклари тикишдан бошлаган бўлсак, кейинчалик эркаклар учун костюмлар ҳам тайёрлашга ўтдик. Аста-секин плашч ва пальтоларга ҳам буюртмалар кўпайиб борди. Тикувчиларимиз қўшимча равишда чойшаб, ёстиқ жилди каби буюртмаларни ҳам бажаришмоқда.

Энг муҳими, йил сайин тадбиркорликни ривожлантиришнинг янги-янги уфқлари очилмоқда. Биз ҳам имкониятдан келиб чиқиб цехларни кенгайтириб, хизмат турларини кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз. Шу тариқа иш ўринларини кўпайтириб, харидор ва буюртмачилар сони ортишини таъминлаш ниятидамиз.

Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун эса энг яхши матоларни ҳар хил тижоратчилардан эмас, пул ўтказиш йўли билан базалардан олсак, айни муддао бўларди. Тажрибалардан шу нарса маълумки, хомашёни сотиб олиш ва ишлаб чиқариш жараёнларига қанча кам харажат қилинса, тайёр маҳсулотнинг таннархи шунча арзон бўлади.

**Соҳиба ИСРОИЛОВА,**
**Пискент шаҳридаги хусусий тикувчилик корхонасининг ҳисобчиси.**

# СОҲИЛ БЎЙИДА ОРОМГОҲ

***Қорадарё соҳилининг Тешиктош қишлоғи яқинида салкам ўн гектарли ташландиқ жой бўларди. Пахтаобод туман ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари шу ерда сўлим оромгоҳ ташкил этишга қарор қилдилар.***

Ҳозирги кунда бир неча қурилиш ташкилоти ана шу ерда катта бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда.Оммавий ҳашарда тумандаги деярли барча ташкилот, корхона ва хўжаликлар,хусусан, Андижон механика корхонасининг Пахтаободдаги шоҳобчаси, «Озод», «Маданият», «Намуна», О.Қурбонов номли ширкат хўжаликлари фаол қатнашишмоқда.

Таъкидлашларича, бу ерда болалар боғи, катта ёшдагилар учун мўъжазгина сайргоҳ, спорт иншоотлари, чўмилиш ҳавзалари, тиббий муассаса, чойхона, ошхона ва боғлар барпо этилади.

«Соҳил» деб ном берилаётган бу оромгоҳни Наврўз байрамигача битказиш мўлжалланмоқда.

**М.АБДУКАРИМОВ.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ТОКИО АНЖУМАНИДА

21-22 январ кунлари Япония пойтахти Токиода Афғонистон иқтисодиётини тиклашға бағишланган халқаро конференция бўлди. Унда БМТ бош котиби Кофи Аннан, Афғонистон муваққат ҳукуматининг раҳбари Ҳамид Карзай, шунингдек, 61 мамлакатдан келган вакиллар иштирок этдилар. Йиғинда асосан Афғонистон мамлакатини оёққа турғазиш, халқ хўжалиги инфратузилмасини лозим даражага келтириш масалалари чуқур таҳлил этилди. Жаҳон банки маълумотларига қараганда, келажак 10 йилда Афғонистон иқтисодиётини тиклаш учун 45 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ керак бўлади. Мазкур анжуманни кузатган жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг фикрига қараганда, биринчи босқичда 2,3 миллиард доллар талаб қилинади. Анжуман ниҳоясига етиши билан АҚШ ҳукумати 296 миллион, Япония 250 миллион, Саудия Арабистони 250 миллион доллар ажратишга қарор қилганликларини ошкор этдилар. Россия томони ҳам яқин кунлар ичида ўз имкониятларини чамалаб кўражаклигини билдирди.

## САЛАНГ ОЧИЛДИ

Шимоли-шарқий томондан Афғонистон билан алоқа қилишга мўлжалланган Саланг туннели бир неча йил муқаддам толиблар томонидан портлатиб юборилган эди. Уни қайта ишга тушириш учун Россия ва бошқа давлатлардан келган кўнгиллилар қаттиқ меҳнат қилдилар. Ниҳоят, куни кеча Саланг довонини ишга тушириш маросими бўлиб ўтди. Эндиликда инсонпарварлик юкларини манзилга етказиш учун кетадиган вақт тенг ярмига қисқарди.

## НАВБАТДАГИ МАҲБУСЛАР КЕЛТИРИЛДИ

Американинг Куба ҳудудида жойлашган Гуантанамо ҳарбий базасига ашаддий маҳбусларни келтириш давом этмоқда. Яқинда навбатдаги жангарилар — 34 нафар асир бу ерга олиб келинди. Шундай қилиб, ҳозиргача ушбу масканда сақлаш учун мўлжалланаётган асирларнинг умумий сони 144 нафарга етди. Шу орада халқаро Қизил Хоч ташкилоти ходимлари ҳамда Буюк Британиядан келган Инсонпарварлик маҳкамалари вакиллари Гуантанамода маҳбуслар учун яратиб берилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Улар асирларнинг турмуши халқаро меъёрларга бир қадар тўғри келишини таъкидладилар.

## АРОФАТНИНГ РАДДИЯСИ

Маълумки, бир неча кун муқаддам Ҳадера шаҳрида фожеа содир бўлган эди. Ўшанда 12 яшар қизчанинг таваллуд куни нишонланаётган залга бостириб кирган фаластинлик террорчи автоматдан ўқ узиб, бир неча кишини ҳалок этган, оғир жароҳат олган 30 нафар меҳмон шифохонага ётқизилган эди.

Мана шундай хуружга жавобан Исроил томони Ҳадера, Тулкарм, Рамаллоҳ шаҳарларини қамал қилиб, турли ўқотар қуроллардан зарба берди. Бу воқеадан хабардор бўлган АҚШ давлат котиби дарҳол Фаластин маъмуриятидан раҳбаридан экстремистларни ҳибсга олишни талаб қилди. Қилинган хатти-ҳаракат қониқарсиз бўлганидан сўнг Исроил томони Рамаллоҳ шаҳридаги «Фаластин овози» давлат радио станциясини ишдан чиқарди.

Бу орада Ё.Арофат Грециядан сиёсий бошпана сўраган эмиш, у истеъфога чиқиш ниятида экан, бундай мақсадлар амалга ошмаса у қочиб кетиш режасини тузибди, деган миш-мишлар тарқалди. Лекин, Ёсир Арофат бу гапларнинг ҳаммаси туҳмат эканлигини айтиб, Исроил томони тарқатган хабарларнинг ҳаммасини рад этди.

## ПОРТЛАШ ҚУРБОНЛАРИ

Доғистон пойтахти Махачқалада навбатдаги террорчилик хуружи амалга оширилди. 30 нафар ҳарбийлар тушган машина ҳаммом томон йўл олганда, дафъатан портлатиб юборилди. Натижада, беш аскар ҳалок бўлди, кўпчилик касалхоналарга ётқизилди. Бундай қабоҳатни фақат тинчлик бўлишини истамаётган террорчиларгина амалга ошириши мумкин, деган фикрга асосланган Россия Федерал кучлари адлиячилари мазкур воқеа юзасидан жиноий иш қўзғадилар.

## МАШҲУР БОКСЧИ ҚУВОНЧИ

Туғилганида Кассиус Клей номи билан аталган, кейинчалик ўз исмини Муҳаммад Али деб ўзгартирган жаҳонга машҳур боксчи куни кеча ўз таваллудининг 60 йиллигини нишонлади. 1960 йилда олимпия чемпиони, кейинчалик профессионаллар орасида бир неча бор чемпион бўлган чарм қўлқоп устаси ўз ҳаётидан мамнун эканлигини билдирди. У Англия телекомпанияси «Би-Би-Си»нинг 2000 йилда уни «Аср спортчиси» деб тан олганлиги умридаги унутилмас воқеалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

**Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

Ўзбек кураши

**Оролбўйи аҳолиси азал-азалдан курашни алоҳида меҳр билан севган, авлод-аждодларнинг шаъни, деб билган ва ардоқлаган. Сапалоқ полвон, Умрбек Айтимов, Ғани Эсбергенов, Юсуф полвон сингари довруғи элга ёйилган марди майдонлар бу ўлкада кўп. Улар ўзларининг мардликлари, куч-кувватлари, маҳоратлари билан ҳаммани қойил қолдирганлар ва ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганлар.**

# ОРОЛБЎЙИ ПОЛВОНЛАРИ

Нукусда бўлганимизда, жисмоний тарбия ва спорт ҳомийларидан бири, ўзбек курашининг ашаддий мухлиси ва фидойи тарғиботчиси Бахтиёр Қўчқоров билан учрашиб, тасаввуримиз янада бойиди. Кўп йиллик самарали хизматлари эвазига Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси қўшалоқ унвони билан тақдирланган жонкуяр инсон республика миллий кураш федерациясига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Қорақалпоғистонда миллий курашни ривожлантириш ва оммавийлаштириш соҳасида кўп иш қилинаяпти. 2001 йилнинг октябр ойида Нукусда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун III - халқаро турнир ўтказилган эди. Бахтиёр Қўчқоров мусобақа ташкилотчиси сифатида ўзини кўрсатди. Халқаро турнирда сурхондарёлик Абдулла Тангриев, Бразилиядан Карлос Хомороталар қатори қорақалпоқ полвони Серик Юсуфгенов ҳам ғолиблар қаторидан ўрин олди.

— Эндиликда минглаб ёшлар миллий кураш билан шуғулланмоқда, - дейди федерация президенти. - 28 та ўсмирлар ва ёшлар спорт, 1 та кураш мактаблари ишлаб турибди. Беш мингдан ортиқ йигит-қиз якка олишувнинг бу қизиқарли тури сирларини ўрганмоқда.

Инсонда ўз кучига ишонч, бағрикенглик ва ифтихор туйғуларини тарбиялайдиган курашни ривожлантириш ҳамиша кенг жамоатчилик эътиборида. Кези келганда, ҳомий ташкилот — шаҳар озиқ-овқат савдоси жамоаси 5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаганлигини таъкидлаш жоиз.

Федерация масъул котиби Мурод Сарсентоевнинг ҳикоя қилишича, Нукус шаҳри, Қўнғирот, Кегайли, Шуманай, Тахиатош туманларида кураш, айниқса, оммавий тус олиб боряпти.

Ўтган уч йил мобайнида Оролбўйидан жаҳон ва Ўзбекистон чемпионлари, халқаро турнирларнинг кўплаб ғолиблари етишиб чиқди. Жумладан, Баҳром Эрметов Россиянинг Твер шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида икки марта қатнашиб, олтин ва кумуш медалларни қўлга киритди. Яна бир қорақалпоқ йигити Низомиддин Ҳожабоев ҳам олтин медал совриндори бўлди. Буюк Британиянинг Дардфорт шаҳрида ўтказилган «Ислом Каримов халқаро турнири»да ўз вазни тоифасида Б.Эрметов олтин медал билан тақдирланди. Хорижлик мутахассислар ўзбек курашчисининг куч-қуввати ва маҳоратига юқори баҳо бердилар.



Бурноғи йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикаларининг мутлоқ чемпиони, марҳум Сапалоқ полвон Шомуротов хотирасига бағишлаб уюштирилган халқаро турнирда Марказий Осиё мамлакатлари, Грузия, Арманистон ва бошқа хорижий давлатлардан вакиллар қатнашди. Мусобақада қорақалпоғистонлик Мурод Болтаниёзов бош совринни олиб, «Жигули» енгил автомашинаси билан мукофотланди. Бултур Ўш шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда Берик Жусипбеков мусобақанинг 82 нафар курашчиси орасида биринчиликни қўлга киритди.



— Халқимиз орасида ўтмишда юзлаб курашчи аёллар бўлган, - дейди Бахтиёр ака. - Азалий анъаналарни давом эттириб, хотин-қизлар ўртасида миллий курашни ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқдик.

Дарҳақиқат, Твер биринчилиги кумуш медали совриндори, Буюк Британиядаги халқаро турнирда олтин медал олган Феруза Ҳайитимбетова ва унинг издошлари Зулходжа Худоёрова, Гулноз Канязова сингари курашчи қизлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ўзбек кураши жаҳондаги энг севимли спорт турларидан бирига айланиб бораётган экан, бунда, шубҳасиз, қорақалпоғистонлик полвонларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

**ЁЛҚИН.**

Ахлоқ-одоб мавзуида

**Якшанба куни Тўрткўлнинг деҳқон бозори хийла гавжум бўлади. Туман ички ишлар бўлимининг участка нозири капитан Ҳусанбой Йўлдошев расталарни оралаб бораркан, кўзлари ҳар томонга олазарак боқаётган йигитни учратиб қолди. Йигит ўзи кўтариб келган қопдан ҳар хил газлама материалларини чиқариб, сотишга қўяётган эди. Қоп ёнида янгигина палос ҳам бор эди. Участка нозири куни кеча унинг ҳузурига Я.Абдалов кўчасидаги 23-уйнинг 2-хонадонида истиқомат қилувчи Гулнора Қурбонова уйини ўғри уриб кетганлиги ҳақидаги ариза билан келганлигини эслади. Йигит сотаётган лашлушлар эса ўша аёлнинг аризасида кўрсатилган нарсаларга жуда ўхшаб кетарди.**

# ОБРЎНИ БЕРИБ ҚЎЛДАН...

Нозир ҳалиги йигитнинг ҳужжатларини текшириб, сотаётган нарсаларни қаердан олганлиги билан қизиқсинди. Саволларга тайинли жавоб тополмаган йигит қилмишига иқрор бўлди.

— Бир неча кун аввал турмуш ўртоғим оғриб, касалхонага тушиб қолган эди, - дея гувоҳлик берди судда жабрланувчи Гулнора Қурбонова. - Кичкина болаларим билан уйда ёлғиз қолишдан қўрқиб Шароф Рашидов номли ширкат хўжалигида истиқомат қиладиган ота-онамнинг уйига кетган эдим. Уч кундан кейин келиб, уйимни ўғри босганлигини билдим. Кимдир дераза ойнасини синдириб тушиб, бир дона палос, сандиқдаги аёллар рўмоллари, эркаклар кўйлаклари, ҳар хил газлама-матоҳлар ва 5000 сўм пулимни олиб кетибди.

Аёлнинг уйига ўғирликка тушган шахс ушбу Тўрткўл туманининг «Шўрахон» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи, лекин ҳеч қаерда ишламайдиган 22 ёшли Матмурод Маллаев бўлиб чиқди. У аёлнинг жами 19025 сўмлик пули ва мол-мулкини ўғирлаганлиги аниқланди.

— Хотинимнинг ўз катта опасидан 20 минг сўм қарзи бор эди. Ана ўшани тўлаш учун ўғирлик қилишга мажбур бўлдим, - деди у судда уялмай-нетмай.

Ана холос! Сурбетлик ҳам эви билан-да! Бировдан қарзи бор одам бу қарзни кимнидир қақшатиш йўли билан узиши керакми?

Энди мана бу воқеага қулоқ солинг. Ўтган йили август ойининг ўрталарида Тўрткўл туман ички ишлар бўлими ходимлари ўзларига тушган хабар бўйича кўпдан бери гиёҳванд моддалар билан савдо қилишда гумон қилинаётган 30 ёшли Отамурод Маллаевнинг сўроқлаб бордилар. Қарангки, улар уй эгаси ва унинг яқин таниши Муҳаббат Розумова героинни сувда эритиб, шприц орқали бир-бирларининг томирларига юбораётганликларининг устидан чиқдилар. Суриштирувлар натижасида Маллаев бу масканни ўзига хос бангихонага айлантириб юборгани, яқин қариндоши Жумабек Маллаев орқали Туркманистоннинг «Газўчоқ» шаҳридан бот-бот «героин» олиб келиши ва гиёҳвандликка ружу қўйганларни шу ерда таъминлаб туриши аниқланди.

Мазкур иш терговга оширилиб, суд бўлиб ўтди. Одамларни заҳарлашни ўзларига касб қилиб олган тоға-жиянларнинг каттаси 9 йил, кичиги эса 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар.

Халқимизда «Обрўни ёшликдан сақла» деган ҳикматли нақл бор. Номлари юқорида тилга олинган «қаҳрамон»ларимиз ҳам нисбатан ҳали анча ёш кимсалардир. Бироқ, улар мана шу навқирон ёшларида ўзларининг азиз номларига қоракуя чапланишини, бу хатти-ҳаракатлари туфайли ота-оналари ва яқинларининг юзига доғ тушишини ўйламаганликларидан ажабланасан, киши...

Қўлимизда яна бир ҳужжат турибди. У Амударё туман прокуратураси томонидан баъзи бир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар ҳақидаги маълумотнома. Унда қайд этилишича, халқ банкининг 3618/02-сонли шоҳобчасида назоратчи-хазиначи бўлиб ишлаган Ихтиёр Норимбетов мижозларнинг ўзига ишониб топширилган нақд пулларидан 176070 сўмини, 3618/032-сонли шоҳобча назоратчи-хазиначиси Баҳодир Сапарбоев 605556 сўмни, 3618/034-сонли шоҳобча назоратчи-хазиначиси Шуҳрат Холмуродов эса 130089 сўмни «ҳазм қилиб» юборганлар.

Ўз обрўсига доғ тушираётган кимсаларга бир ажойиб ҳикматни эслатиб ўтишни истар эдик. «Ёшлик инсон ҳаётининг сўнгги йиллари учун уруғ қадаладиган баҳор палласидир». Зеро, обрў ва қадр-қимматини ёшликдан бериб қўяётганлар ушбу қутлуғ палланинг мунаввар, ёруғ кунлари инсонга фақат бир марта берилишини, у асло қайтиб келмаслигини унутмасалар ёмон бўлмасди.

**Болтабой ЭРНАФАСОВ,**
**Қодиржон СОБИРОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

## ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

**Ромитанлик Олим Жўраевнинг «Бахтли воқеа» лотореясига «ВАЗ - 2107» автомобили чиқди.**

- Тўғрисини айтсам, мен бундай ўйинларга кўпам ишқибоз эмасман, - деди Олим Жўраев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Ишдан қайтаётиб, лотерея сотувчисига кўзим тушиб қолди. Ундан «Бугун қанча лотерея сотдингиз?», деб сўрасам, у деярли сотолмаганини айтди. Сотувчининг кўнглини олиш ниятида «Бахтли воқеа»дан бир неча донасини харид қилдим. Буни қарангки, омадим кулиб, автомобил эгаси бўлдим.

Турфа олам

**Хитой археологлари Шаньси вилоятида қадимий шаҳар Юнгченя харобаларини топдилар. У эрамиздан олдинги 676-382 йилларда ҳукм сурган. Кудратли Цинь давлатининг пойтахти бўлган.**

## ҚАДИМГИ ШАҲАР ҚОЛДИҚЛАРИ

Атрофи тош деворлар билан ўралган бу шаҳар ҳудуди 10,5 квадрат километрни ташкил этган. Ҳозир эса, ундан бир нечта саройларнинг қолдиқлари, подшоликнинг 13 та сағанаси топилган бўлиб, булар қадимги Хитой меъморлари томонидан юксак даражада ишланганлиги билан ажралиб туради.

Мутахассислар Юнгченя меъморчилик жиҳатидан Қадимги Юнонистон ва Римдаги иншоотлар билан тенглаша олади дейишмоқда.

## АНТИҚА ДАРАХТ

Хитойнинг Хубэй вилоятида антиқа тут дарахти муҳофазага олинган. Унинг асосий танасидан иккита дарахт ўсиб чиққан.

500 ёшли бу дарахтнинг баландлиги 35 метр, танасининг айланаси эса 31 метр. Ботаниклар табиатнинг мазкур «ноёб ажойиботи» ўсиб турган дарахт пўстлоғи ёриғига «ўрмончи» қушлар бошқа дарахт уруғини ташлаб кетиши натижасида юзага келган бўлса ажаб эмас, деган тахминни илгари сурмоқдалар.

Шуниси қизиқки, бу антиқа дарахтнинг тут қисми ҳозир ҳам мева беради.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**

Истеъдод

## ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР БАҲСИ

**Андижон вилояти ўрта-махсус ўқув юртлари ўртасида ўтказилган қувноқлар ва зукколар клуби танлови энг кучли жамоалар учрашуви билан якунланди. Танлов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан ўтказилди.**

Дастлабки босқич ғолиблари - саноат коллежининг «Бахт қуши», қишлоқ хўжалиги институти академик лицейининг «Ёғду» ва Марҳамат тумани қишлоқ ва сув хўжалиги коллежининг «Зиё» жамоалари биринчилик учун курашди.

Биринчи ўрин Марҳамат тумани вакилларига насиб этди. Уччала жамоага дипломлар ва тадбир ҳомийси - «Махзуна» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси томонидан таъсис этилган совғалар топширилди.

**(ЎзА).**

Футбол

**Москвада футбол бўйича МДҲ чемпионлари кубоги баҳсларида Ўзбекистоннинг беш карра чемпиони Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ҳам қатнашмоқда. Бироқ ўнинчи марта ташкил этилган бу турнирда чемпионимизнинг омади юришмади.**

## НАТИЖА ҲАМ ЎЙИНГА ЯРАША

Фарғоналиклар гуруҳ баҳсларнинг биринчи турида «Спартак»ка қарши майдонга чиқди. Ушбу учрашувда Владимир Бесчастних ва Дмитрий Сичев томонидан «Нефтчи» дарвозасига киритилган уч тўп москваликларга йирик ҳисобдаги ғалабани келтирди. Бироқ футболчиларимиз Арманистоннинг «Пюник» жамоасига қарши ҳам ишончли ўйин кўрсата олмади. Натижада ҳисоб ҳам шунга яраша бўлди - 3:0.

Вакилларимиз гуруҳдаги сўнгги учрашувда Молдованинг «Шериф» жамоаси билан куч синашдилар.


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

### Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

**Савдолар 2002 йил 28 феврал, 7 март кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:**

*Тошкент шаҳрида жойлашган, «Ўздонмаҳсулот» корпорациясига қарашли биринчи навбатда эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги кичик корхоналар устав жамғармасининг 90 фоизи:*

1.Юнусобод тумани Олой бозорида жойлашган «Олой нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 338 404 АҚШ доллари.**

2.М.Уйғур кўчаси, 555 «А» уйда жойлашган, «Бешқайрағоч-нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 264 963 АҚШ доллари.**

3.Уйғур кўчаси, 143-уйда жойлашган, «Кўкча-нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 468 060 АҚШ доллари.**

4.А.Икромов тумани, Чилонзор 14 мавзеси, 25 «А» уйда жойлашган «Боғистон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 481 658 АҚШ доллари.**

5.Қушбеги кўчаси 1 «А» уйда жойлашган «Қушбеги-нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 374 314 АҚШ доллари.**

6.Шайхонтоҳур тумани, «Самарқанд дарвоза» кўчаси, 66-уйда жойлашган, «Самарқанд дарвоза-нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 298 498 АҚШ доллари.**

7.Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчасида жойлашган, «Бек-нон» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 259 517 АҚШ доллари.**

8.М.Улуғбек тумани, «Буюк ипак йўли» кўчаси, 69-уйда жойлашган «Ипак йўли» («Шифобахш-нон») кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 237 838 АҚШ доллари.**

9.Чилонзор тумани, «Беш-ёғоч» бозорида жойлашган, «М-Бек» кичик корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 67 506 АҚШ доллари.**

10.Ҳамза тумани, «Слонима» кўчаси, 113-уйда жойлашган, «Савоб-нон» кичик корхонасининг асбоб-ускуналари.

**Бошланғич баҳоси — 45 925 АҚШ доллари.**

**Миллий валютага сотиладиган объектлар:**

1.Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ғани Мавлонов кўчаси, 1-«А» манзилида жойлашган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти балансидаги 7-сонли ётоқхонанинг фойдаланилмай турган 1238,4м2 бўлган қисми.

**Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.**

2.Тошкент шаҳар, Мирobod тумани, Сарикўл кўчаси, 4-манзилида жойлашган «Ўзбектрансстрой» ассоциациясига қарашли «Касб-ҳунар мактаби» мулкий мажмуаси.

**Бошланғич баҳоси — 59 661 000 сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг!**

Харидорлардан аризаларини қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.**

**Маълумот учун телефонлар:**
**136 26 26; 136 28 75**
**Факс: 136 06 17**
**www. uzrmb. com**


Тошкент вилоят Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма қўмитаси Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамиятининг Чирчиқ авиатаъмир механика заводи директори Ю.Максимовга ота-онаси

**Борис Николаевич** ва **Прасковья Сергеевна МАКСИМОВ**ларнинг

вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади


ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 25. 1 2 3 4 5 6